



# РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

## АХБОРОТ ХАТИ

Қадрли ҳамкасблар! Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт маркази Сизни ИОС– 2024 Ҳалқаро офталмологик Конгрессда иштирок этишга таклиф қилади. Конгресс 2024 йил 4-5 октябр кунлари “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида гибрид форматда бўлиб ўтади.

### АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР :

1. Рефрактив жарроҳлик
2. Глаукома жарроҳлиги
3. Окулопластик жарроҳлик;
4. Катаракта жарроҳлиги
5. Витреоретинал жарроҳлик
6. Лазерли офталможарроҳлик
7. Болалар офталмологияси
8. Кўриш органининг яллиғланиш касалликлари
9. Офталмопатологияларни даволашнинг терапевтик жиҳатлари
10. Офталмологияда кечиктирилмас ҳолатлар

### КОНФЕРЕНЦИЯДА ИШТИРОК ЕТИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ:

Конгрессда иштирок этиш учун Сиз [www.eye-center.uz](http://www.eye-center.uz) веб-сайтда онлайн рўйхатдан 2024 йилнинг 1 чи октябргача ўтишингиз керак. Конференцияда иштирок этиш шакллари: оғзаки тақдимот билан иштирок этиш, мақола билан иштирок этиш ва иштирокчи бўлиб қатнашиш имконияти мавжуд. Оғзаки тақдимотнинг давомийлиги - 10 минут.

**Конференция тиллари:** рус, ўзбек, инглиз.

**Мақолалар 31 май 2024 йилгача қабул қилинади.**

### МАҚОЛАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Мақолалар рус, ўзбек ва инглиз тилларида қабул қилинади;
2. Тақдим этилган ишларнинг ҳажми 3-5 бет (аннотация билан бирга) А4 форматда
3. Ёзиш учун Windows платформаси Microsoft Word дастуридан фойдаланинг. Матн майдони: барча тарафдан четлари 2 см; Шрифт Times New Roman, ҳажми - 14; қатор оралиғи - 1,5; Расмлар электрон файллар шаклида тақдим этилади, уларнинг ҳар бири рақам билан номланиши керак (масалан: Расм 1, Расм 2а, Расм 2б ва ҳоказо).
4. Метамаълумотларни рўйхатга олиш: 1. Мақоланинг номи; 2. Тўлиқ муаллиф исми, лавозими, ишни бажарган жойи. 3. Шаҳар, мамлакат;



Ўзбекистан, Тошкент  
Учтепа тумани,  
Кичик халқа йўли 14



(998) 95 146 48 58



eye-  
center.conf@inbox.ru



[eye-center.uz](http://eye-center.uz)



## РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

**Мақолалар қуйидаги электрон почта орқали юборилиши керак:**

[eye-center.conf@inbox.ru](mailto:eye-center.conf@inbox.ru)

(файлнинг номи биринчи муаллифнинг фамилияси билан номланади, масалан: "Аҳмедов.дос").

**Биринчи муаллифдан 2 дан ортиқ мақола қабул қилинмайди!**

Барча мақолалар антиплагиат тизимида текширилади. Конференциянинг ташкилий қўмитаси конференция мавзусига мос келмайдиган ёки талабларга мос келмаган материалларни таҳрирлаш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Нашрга қабул қилинмаган мақолалар қайтарилмайди. Нашр қилиш учун ариза бериш орқали муаллиф шахсий маълумотларни қайта ишлашга рози бўлади.

**2024 йил 1 июлдан кейин юборилган мақолалар ташкилий қўмита томонидан қабул қилинмайди.**

**Мақолалар тузилиши қуйидагича бўлиши керак:**

- сарлавҳа, хулоса ва калит сўзлар (рус, ўзбек ва инглиз тилларида ҳажми-200-250 сўз), қисқача изоҳда мақсад, материал ва усуллар, натижалар ва хулосалар,
  - қисқача кириш,
  - тадқиқот мақсади,
  - материал ва усуллар,
  - натижалар ва муҳокама,
  - хулоса,

Адабиётлар рўйхати рус ва хорижий манбаларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида жойлаштирилиши керак.

**Мисол**

УДК: 713. 591.484.3 - 617.7-007.681

Азизов Азиз Азизович

лавозими, илмий даражаси ва унвони,

муассаса номи

"Юқори даражадаги миопия ва унинг асоратлари"

**Муаллифлар ҳақидаги маълумотлар алоҳида саҳифага бириктирилган:**

Ф.И.Ш. муаллиф тўлиқлигича, лавозими, иш жойи, алоқа учун телефон рақами ва электрон почта манзили